

ЎҚУВ-СЕМИНАР

О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси ташаббуси билан туман ва шаҳар кенгашлари раисларининг биринчи ўринбосари – аппарат раҳбарларининг сиёсий ва профессионал малакасини ошириш бўйича икки кунлик ўқув-семинари бўлиб ўтди.



ҲАЁТИЙ САБОҚЛАР ОРТИДА СИЁСИЙ СИНОВЛАР ТУРИБДИ



Ушбу тадбир дастурида белгиланганидек, Янги Ўзбекистон шароитида партия олдида турган вазифалар; Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига Мурожаатномасида белгилаб берилган долзарб вазифалар ижросини таъминлашда О'zLiDePнинг ўрни; сиёсий куч мафқурасининг устувор йўналишлари ва асосий қоидалари; партия Сайловдди дастурида белгиланган 5 мақсад ва 500 вазифани чуқур англаш ҳамда амалиётга

таътибқ этиш кўникмалари; О'zLiDeP фракцияси ва депутатлик гуруҳлари фаолиятини самарали ташкил этиш механизмлари; **Жамоатчилик назорати ва қонун ташаббускорлиги:** жамоатчилик назорати механизми, парламент ва депутат назорати, депутат сўровлари, ходимларнинг ОАВ, интернет билан ишлаши, ижтимоий тармоқлар, жумладан, "facebook" ва бошқа месенжерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш йўллари; Сунъий

интеллект, киберхавфсизлик ва рақамли этика каби қатор мавзулар муҳокама қилиниб, соҳа мутахассислари иштирокида маҳорат дарслари ўтказилди.

Эътиборли жиҳати, жорий йилнинг мамлакатимизда "Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили" деб эълон қилиниши партия фаоллари зиммасига ҳам жиддий масъулият юклайди, албатта. Шу маънода ўқув-семинари иштирокчилари бўлмиш партиянинг туман ва шаҳар кенгашлари ходимлари ҳам, табиийки, ўз фаолиятларида биринчи навбатда маҳалла идоралари билан ҳам-жиҳат фаолият юритади. Демак, белгиланган партиявий лойиҳаларни ҳаётга кенг татбиқ этишда ушбу бетақор институт О'zLiDePнинг энг яқин ҳамкори ҳисобланади.

Шунингдек, семинарда маҳаллалар кесимида хотин-қизларни тадбиркорликка жалб қилиш, ёшларни бизнесга йўналтириш, янги иш ўринлари яратиш орқали аҳоли бандлигини таъминлаш, камбағал оилаларни қўллаб-қувватлаш масалалари ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Ўқув-семинар машғулотларида О'zLiDeP Сиёсий Кенгаши Ижроия қўмитаси раиси Ақтам Хайтов қатнашди.

О'zLiDeP матбуот хизмати

ЎЗБЕКИСТОН ТИНЧЛИК ТАРАФДОРИ

Ўзбекистон азалдан ҳамisha мулоқот ва тинчлик тарафдори бўлиб келмоқда. Ташқи сиёсатимизнинг устувор йўналишларидан бири ҳам тинчлик борасидаги ташаббусларни қўллаб-қувватлашдан иборат.

Барчамиз хабардор бўлдик, шу йилнинг 22 январь кун Швейцариянинг Давос шаҳрида ўтказилган халқаро мулоқот доирасида Президентимиз "Тинчлик кенгаши" низоми имзолади. АҚШ Президенти таклифи ва ташаббуси билан ташкил этилган Тинчлик кенгашининг асосий мақсади уруш кетаётган, можароли ҳудудларда тинчлик ва барқарорликни таъминлашга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Тинчлик кенгашининг ғояси мамлакатимизнинг яхши қўшничилик алоқаларини таъминлаш, муаммолар-

ни тинч йўл билан ҳал этиш каби устувор мақсадларига тўла мос келади. Албатта, глобал иқтисодиёт, халқаро алоқалар бир-бирига боғлиқдир. Бу иқтисодий кенгаш бўлса-да, кун тартибда сиёсий масалалар ҳам кўрилади. Яқин Шарқдаги Ғазо минтақасида кечаётган ҳарбий иқтисодий инқирозни ҳал қилиш йўлларини излаш ва тинчликни барқарорлаштириш мақсад қилиб қўйилган.

Халқаро ҳамжамият Ўзбекистонни тинчликсевар мамлакат сифатида эътироф этади. Шу маънода давлатимиз мақсади эзгулик бўлган ушбу

ташқилотга таъсисчи сифатида қўшилгани халқаро майдондаги нуфузини янада оширади.

Албатта, бутун дунё халқлари тинч ва фаровон яшашга ҳақли. Ҳамма оқсоғишталлик сари интилади. Инқироздаги ҳудудларда барқарорликни таъминлаш учун қўйилган қа-



Абдуҳаким МАМАНАЗАРОВ,
М.В. Ломоносов номидаги МДУнинг
Тошкент шаҳридаги филиали раҳбари
ўринбосари, педагогика фанлари доктори,
Миробод тумани кенгаши депутати

дамлар ижобий самарасини бера-жизига шубҳа ҳам йўқ. Мамлакатлар орасида дўстона муносабатлар яхшиланса, барча соҳаларда ўзаро ҳамкорлик йўли кенгай боради. Тинч ва фаровон жойда иқтисодий ва ижтимоий ўсиш бўлади.



ҲАММАМИЗНИНГ ИНСОНИЙ БУРЧИМИЗ

О'zLiDeP Қўқон шаҳар кенгаши ташаббуси билан Президентимизнинг Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномаси мазмун-моҳиятига бағишланган тадбир бўлиб ўтди.

Унда ушбу Мурожаатнома мамлакатимизни ижтимоий-иқтисодий жиҳатдан янада ривожлантириш, аҳоли турмуш сифати ва фаровонлигини оширишга қаратилган муҳим стратегик ҳужжат сифатида катта аҳамиятга эга эканига алоҳида эътибор қаратилди. Айниқса, янги йилимизнинг "Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили" деб эълон қилиниши ислохотларни бевосита аҳоли манфаатларига йўналтиришга хизмат қилажиги қайта-қайта таъкидланди.

Мазкур ҳужжатда қайд этилганидек, мамлакатда иқтисодиётни барқарор ривожлантириш билан бир қаторда транспорт соҳасини тубдан тақомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилгани,

жумладан, юртимизда аҳоли сони ва иқтисодий фаоллик ошиб бораётган бир пайтда замонавий, хавфсиз ва қулай транспорт тизимини шакллантириш устувор вазифа сифатида белгилангани бежиз эмас. Айниқса, шаҳар ва шаҳарлараро жамоат транспорти фаолиятини яхшилаш, йўл-транспорт инфратузилмасини модернизация қилиш, аҳоли учун ҳаракатланиш қулайлигини ошириш муҳим йўналишлардан бири сифатида қайд этилгани кенг жамоатчилик эътиборини тортиди.

Йиғилишда сўзга чиққан Фахрийлар кенгаши раиси Авазбек Мазайдов барча соҳаларда, жумладан, транспорт соҳасида амалга оширилаётган ислохотлар аҳоли ҳаётида муҳим аҳамият касб эти-

шини, қулай ва хавфсиз ҳаракат муҳити яратиш орқали фуқароларнинг кундалик турмуши енгила-лашини таъкидлади. Шунингдек, О'zLiDeP Қўқон шаҳар кенгаши раиси Ўқтамхон Тожиева, фалсафа фанлари номзоди Орифжон Қўшматов давлатимиз раҳбари мурожаатида белгиланган долзарб вазифаларни депутатлар ва сиёсий куч етакчилари, зиёлилар аҳоли ўртасида кенг тарғиб қилиш билан бирга уларнинг ижросини таъминлашда фаол бўлишлари лозимлигини ўқитди.

О'zLiDeP Фарғона вилоят кенгаши матбуот хизмати

“ЎЗБЕКИСТОН — 2030”:

Миллий иқтисодиёт кафолати

Бугунги шиддат билан ўзгараётган глобал геосиёсий вазият ва иқтисодий муносабатлар даврида ҳар бир давлат ўз келажигини аниқ стратегиялар ва илмий асосланган тараққиёт моделлари асосида қуришга интилоқда. Президентимиз ташаббуси билан ишлаб чиқилган ва умумхалқ муҳокамаси давом этаётган "Ўзбекистон – 2030" стратегияси мамлакатимизнинг янги даврдаги иқтисодий барқарорлигини мустаҳкамловчи ва халқимиз фаровонлигини юксалтирувчи энг муҳим дастуриламал ҳужжат ҳисобланади. Унда белгиланган мақсадлар қўлами ва уларни амалга ошириш механизмлари мамлакатимиз дунёнинг энг жадал ривожланаётган иқтисодиётлари қаторидан мустаҳкам жой олишига қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Стратегиянинг иқтисодий устувор йўналишларини кузатар эканмиз, биринчи навбатда макроиқтисодий кўрсаткичларнинг сифат ва миқдор жиҳатидан янги босқичга кўтарилганини кўришимиз мумкин. Яқин истиқболда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 165 миллиард долларга, 2030 йилга бориб эса 240 миллиард долларга етказиш вазифаси шунчаки статистик марра эмас. Бу – аҳоли жон бошига тўғри келадиган даромадни ошириш орқали Ўзбекистонни даромади ўртачадан юқори бўлган давлатлар қаторига олиб чиқиш демакдир. Бу каби улкан мақсадга эришиш учун иқтисодиётнинг таркибий тузилиши тубдан трансформация қилинмоқда. Хусусан, хомашё экспорт қилувчи мамлакатдан юқори қўшилган қийматга эга тайёр маҳсулотлар ишлаб чиқарувчи технологик хабга айланиш стратегик вазифа этиб белгиланмоқда. Масалан, мис ишлаб чиқаришни 3,5 бараварга ошириш ва унинг негизда юқори технологияли sanoat кластерларини ташкил этиш электротехника ва қайта тикланувчи энергия соҳалари учун мустаҳкам хомашё базасини яратади.

Инновация ва "яшил" иқтисодиётга ўтиш масаласи стратегиянинг мантикий ўзагини ташкил этади. Глобал иқлим ўзгаришлари кучайиб бораётган бир пайтда, Ўзбекистон ўз энергия тизимини тубдан янгиланмоқда. Қайта тикланувчи энергия манбалари улушини 40 фоизга етказиш ва энергия самарадорлигини икки баробарга ошириш бўйича белгиланган чора-тадбирлар миллий маҳсулотларимизнинг таннархини пасайтириш ва уларнинг жаҳон бозорларида рақобатбардошлигини таъминлашнинг ягона йўлидир. Бу жараёнда қуёш ва шамол станцияларининг умумий қувватини 25 ГВтга етказиш нафақат ички еттибжи қондириш, балки минтақавий энергия экспортида ҳам етакчиликини қўлга киритиш имконини беради.

Иқтисодий ўсишнинг асосий драйвери сифатида хусусий сектор ва тадбиркорлик эркинлигини таъминлашга алоҳида урғу берилмоқда. Давлатнинг иқтисодиётдаги иштирокини босқичма-босқич камайитириш, банк тизимини хусусийлаштириш ва эркин рақобат муҳитини яратиш борасидаги ислохотлар изчил давом эттирилмоқда. Айниқса, тадбиркорлик субъектлари учун солиқ юкини мақбуллаштириш ва маъмурий тўсиқларни бартараф этиш орқали инвестициявий жозибдорликни ошириш стратегиянинг устувор йўналишидир. Бунда хорижий инвестициялар оқимини ошириб бориш ва фонд бозорини ривожлантириш орқали ички ресурс сафарбарлигини кучайитириш кўзда тутилган.

Рақамли трансформация ва юқори технологиялар иқтисодиётнинг барча соҳаларига жадал қилиб бормоқда. Ўзбекистонни халқаро IT хабига айлантириш ва соҳадаги экспорт ҳажмини 5 миллиард долларга етказиш мақсади ёш авлод учун минглаб юқори даромадли иш ўринларини яратади. Рақамлаштириш нафақат иқтисодий самарадорликни оширади, балки давлат бошқаруви ва харидларида шаффофликни таъминлаб, коррупция иллатига чек қўйишнинг энг таъсирчан воситаси бўлиб хизмат қилади.

"Ўзбекистон – 2030" стратегияси – бу халқимизнинг ижтимоий орзу-умидларини амалга оширишнинг иқтисодий кафолатидир. Унда белгиланган ҳар бир вазифа халқ манфаатларига хизмат қилиш, инсон қадрини улуғлаш ва Ватанимизнинг халқаро майдондаги нуфузини янада юксалтиришга қаратилган. Парламент назорати ва қонунчилик механизмлари орқали ушбу ислохотларнинг ижросини таъминлаш, ҳар бир соҳада аниқ натижаларга эришиш бугунги куннинг кечиктириб бўлмас талабидир.



Маҳалланинг ишбилармон аёли

Бугун мамлакатимизда хотин-қизларнинг тадбиркорлик фаоллигини ошириш, уларни иқтисодий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ва маҳаллалар тараққиётига фаол жалб этиш давлат ва жамоатчилик эътиборидаги устувор масалалардан бирига айланмоқда. Шу йўналишда O'zLiDeP томонидан ўн йилдан бери амалга оширилаётган “Ишбилармон аёл” кўрик-танлови шу кунгача минглаб фидойи тадбиркор хотин-қизларимизни кашф этди. Бугун уларнинг аксарияти мамлакатимизнинг барча ҳудудларида ўз бизнесларини юритишяпти, қанчалаб ишсиз одамлар бандлигини таъминлашяпти. Бир сўз билан айтганда, жамиятнинг етакчи ва энг фаол аъзолари сифатида юртимиз тараққиётига муносиб ҳисса қўшиб келишмоқда.

Яқиндан бошлаб эса партия томонидан янги йилнинг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили” деб номланиши муносабати билан “Маҳалланинг ишбилармон аёли” лойиҳасига старт берилди. Кўзланган мақсад эса юртимиз маҳаллаларида аёлларнинг ташаббускорлиги, меҳнатсеварлиги ва тадбиркорлик салоҳиятини қўллаб-қувватлаш ва кенгроқ тарғиб этишдан иборат. Ушбу саҳифада мазкур лойиҳа доирасида камтарин меҳнати билан оиласи ва маҳалласи фаровонлиги, ободлигига ҳисса қўшаётган ишбилармон аёллар ҳақида сўз юритамиз.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси Кенгаши ҳузуридаги “Аёллар қаноти” ҳамда Нукус шаҳар кенгаши ҳамкорлигида Нукус шаҳрида жойлашган “Наўқан бағ” МФЙда “Маҳалланинг ишбилармон аёли” танловининг навбатдаги босқичи ўтказилди. Тадбирда маҳаллада фаолият олиб бораётган ишбилармон хотин-қизлар иштирок этиб, ўзларининг амалга оширган бизнес лойиҳалари, қўл меҳнатига асосланган хунармандчилик ишлари ҳамда ишлаб чиқаришга қаратилган ташаббусларини намойиш этдилар.



Танлов иштирокчилари ҳакамлар ҳайъатига ўз фаолияти, эришган натижалари, ишлаб чиқараётган маҳсулотлар сифати ва ҳажми, шунингдек, келгусидаги режа ва мақсадлари ҳақида атрофлича маълумот бердилар. Ҳакамлар ҳайъати томонидан иштирокчиларнинг ташаббускорлиги, янгича ва инновацион ёндашувлари, маҳаллий бозорда талаб юқори бўлган маҳсулотлар ишлаб чиқараётгани алоҳида эътироф этилди.

Танлов якунларига кўра, ярим тайёр озиқ-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўналишида фаолият юритаётган Меҳрибан Утемуратова ғолиб деб топилди. У 2023 йилдан буён мазкур соҳада самарали меҳнат қилиб келмоқда. Айни пайтда у кунлик 50–80 килограмм ҳажмда 11 турдаги ярим тайёр маҳсулотларни тайёрлаб, маҳаллий озиқ-овқат дўконларига етказиб бермоқда. М. Утемуратованинг фаолияти маҳаллада янги иш ўринлари яратиш, аҳолини сифатли ва хавфсиз озиқ-овқат маҳсулотлари билан таъминлашга хизмат қилмоқда.

Шунингдек, танловда Айгул Қойшйбаева қўл меҳнати асосида турли хил сават маҳсулотлари ишлаб чиқариши билан, Роза Нуришова миллий либослар тикиш йўналишидаги фаолияти билан, Гулзада Ёсимбетова эса 2021 йилдан буён пиллачилик соҳасида олиб бораётган самарали меҳнати тақдими то билан иштирок этди. Уларнинг ҳар бири ўз йўналишида маҳаллий хунармандчилик аъёналарини сақлаш ва ривожлантиришга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Тадбир давомида иштирокчиларнинг бизнес ғоялари, ижодий ёндашуви, меҳнатсеварлиги ҳамда маҳаллада тадбиркорлик муҳитини янада яхшилашга қаратилган фаолияти ҳакамлар ҳайъати ва тадбир иштирокчилари томонидан юқори баҳоланди.

O'zLiDeP Қорақалпоғистон Республикаси
Кенгаши матбуот хизмати

САМАРҚАНД

O'zLiDeP Тойлоқ туман кенгаши раиси биринчи ўринбосари – аппарат раҳбари Зоиржон Зиёдуллаев ҳамда туман кенгаши депутати Насиба Мўминова Сариосиё маҳалласида фаолият юритаётган томорқачи ва ишбилармон аёллар – Мастура Суюнова ҳамда Гулчехра Худойназарова хонадонларида ташкил этилган иссиқхоналар фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Юзма-юз мулоқотда партия томонидан амалга оширилаётган “Ишбилармон аёл” ва “Намунали томорқачи” лойиҳалари маҳаллаларда аҳоли томорқаларидаги бўш ер майдонларидан самарали фойдаланиш, хотин-қизларни ўзини ўзи банд қилишга қаратилгани билан аҳамиятли экани таъкидланди.

Лойиҳалар доирасида аҳоли томорқаларидан унумли фойдаланиш, бир йилда 2–3 марта ҳосил олиш мақсадида тажрибали томорқачи аёллар иштирокида маҳорат дарсларини ташкил этиш, “Бир маҳалла – бир маҳсулот” таъмоили асосида ҳудудларни муайян экин турига ихтисослаштириш, шунингдек, фермер ва тадбиркорлар томонидан ихчам иссиқхоналар қуриб беришга қўмаклашиш каби қатор ишлар режалаштирилган.



Маълумот ўрнида айтиш жоизки, учрашув уюштирилган ҳар икки хонадон бекаларининг бошқаларга ибратли жиҳати, улар фарзандлар тарбиясидан ажралмаган ҳолда, уйдан чиқмасдан туриб ҳам барқарор даромад олиш мумкинлигини исботлашмоқда. Масалан, Мастура Суюнова 4 сотих ҳовлисига замонавий иссиқхона ташкил этиб, уч нафар оила аъзосини доимий иш билан таъминлаган. У қулупнай етиштириш орқали йилига 200 миллион сўм даромад олишни режалаштирмоқда. Гулчехра Худойназарова эса 12 сотихли ҳовлисига лимонарий ва қулупнайчилик фаолиятини йўлга қўйиб, 5 нафар маҳалла ёшларини иш билан банд қилган. Ҳалол меҳнати орқали йиллик ўртача даромади 500 миллион сўмни ташкил этмоқда.

Насиба МЎМИНОВА,
O'zLiDeP Вилоят кенгаши бўлим mudiri, туман кенгаши депутати

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ

Қйрай туманидаги “Бунёдкор” маҳалла фуқаролар йиғинида “Маҳалланинг ишбилармон аёли” лойиҳасининг мазмун-моҳиятини тарғиб этиш мақсадида тузилган ишчи гуруҳнинг илк тадбири ҳамда саралаш босқичи ўтказилди. Унда маҳаллада фаолият олиб бораётган тадбиркор хотин-қизларни қўллаб-қувватлаш, уларнинг бизнес ғояларини омалаштириш, амалий тажрибаларини кенг жамоатчиликка танитиш, шунингдек, янги ташаббусларни рағбатлантириш хусусида сўз юритилди.

“Бунёдкор” МФЙ раиси, Қйрай туман кенгаши депутати Ботир Собиров билан биргаликда шу ҳудуддаги ишбилармон аёллар томонидан ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш жараёнлари, яратилган иш ўринлари, шунингдек, мавжуд муаммолар ва таклифлар атрофлича муҳокама қилинди. Ўз навбатида маҳалланинг фаол хотин-қизлари янги танловга оид бизнес лойиҳалари, яратган иш ўринлари ҳамда ижтимоий ҳаётидаги иштироки юзасидан тақдиротлар ўтказишди.

Тивувчилик соҳасида каттагина тажриба тўплаган тадбиркор Малоҳат



Мирхалилова шу маҳаллада хотин-қизлар бандлигини таъминлаш, миллий ва замонавий либослар ишлаб чиқариш орқали бозор талабига мос маҳсулотлар тайёрлаш борасидаги самарали меҳнати таҳсинга лойиқ. Шунингдек, хусусий мактабгача таълим муассасаси раҳбари Зилола Исаева болалар тарбияси ва таълим сифатига алоҳида эътибор қаратган ҳолда, замонавий таълим услубларини жорий этиб, маҳаллада таълим хизматлари сифатини оширишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда. “Илм уммони” ўқув маркази асосчиси Сарвиноз Азимова ёшлар ва хотин-қизларни билимли, касб-хунарли ва рақобатбардош мутахассислар сифатида тайёрлашга қаратилган таълим хизматлари билан маҳалла аҳли эътирофига сазовор бўлмоқда. Айни пайтда ўқув марказида маҳаллада истиқомат қилувчи ўй бекалари инглиз ва рус тилларига имтиёзли шартларда ўқитилимоқда.

Бундан ташқари, иссиқхона йўналишида фаолият олиб бораётган тадбиркор Нигора Шодмонхўжаева ўй шароитида гул қўчатлари етиштириш билан шуғулланиб, мавсумий иш ўринлари яратибгина қолмасдан, балки ҳудуднинг экологик мувозанатини сақлаш ва экомаданиятни тарғиб этишда ҳам бошқаларга ўрнак бўлмоқда.

Эътиборли жиҳати, “Маҳалланинг ишбилармон аёли” лойиҳаси нафақат вилоятнинг марказий ҳудудлари, балки чекка ва олис маҳаллаларда истиқомат қилувчи хотин-қизларни ҳам қамраб олмақда.

Зухро МИРЗОҲАМДАМОВА,
O'zLiDeP Тошкент вилоят кенгаши бўлим mudiri

ҚАШҚАДАРЁ

Яккабўғ туманидаги Янгиобод маҳалласида ишчи гуруҳ аъзолари маҳаллада хотин-қизларни касб-хунарга ўргатиш, улар бандлигини таъминлаш борасида ибратли ишларни амалга ошириб келаётган тадбиркор аёл Барчинои Хидированинг “Ilhom Xidirov nomidagi GULSHAN SCHOOL” хусусий мактаби фаолияти билан яқиндан танишдилар.

Таъкидлаш жоизки, бундан ўн йил муқаддам асос солинган мазкур таъ-



лим муассасасида бугунги кунда 14 нафар хотин-қиз доимий иш билан таъминланган. Мактабда 100 нафар қизга STEM йўналишидаги фанлар чуқурлаштирилган тарзда ўқитилиб, IT ва бошқа касб-хунар тўғрақлари орқали ўқувчиларнинг билим ва амалий кўникмалари юксалтириб келинмоқда.

Жамият ҳаётида фаол, ташаббускор ва ўз бизнес ғоясига эга хотин-қизларни қўллаб-қувватлашга қаратилган, партия вилоят кенгаши “Аёллар қаноти” ташаббуси билан амалга оширилаётган мазкур лойиҳа доирасида Айғирқўл маҳалласидаги ишбилармон аёллар фаолияти ҳам ўрганилди. Улар билан

учрашувлар давомида тадбиркорлик фаолияти, эришилган натижалар ҳамда келгусидаги режалар атрофлича муҳокама қилинди.

Айни кунда Айғирқўл маҳалласида тўққиз нафар хотин-қиз турли соҳаларда самарали меҳнат қилиб, аҳолига намунавий хизмат кўрсатиб келмоқда. Улар орасида тадбиркор Дилсўз Бойхўжаева меҳнатсеварлиги ва юксак ташкилотчилиги билан алоҳида ажралиб туради. У сўнгги етти йил давомида хотин-қизлар кийимлари ҳамда замонавий элита пардалар тикиш билан шуғулланиб, бугунги кунда 10 нафар маҳалладошини доимий иш билан таъминлаб келмоқда. Тайёр маҳсулотлар маҳаллий бозорлар ва савдо дўконларига етказиб берилмоқда. Танлов жараёнида унинг фаолияти маҳаллада аёллар тадбиркорлигини ривожлантириш, янги иш ўринлари яратиш орқали оилалар фаровонлигини оширишда муҳим аҳамият касб этиши эътироф этилди.

Шунингдек, туман марказида жойлашган маҳаллаларда турли соҳаларда самарали меҳнат қилаётган хотин-қизларнинг меҳнат шароитлари, иш фаолияти ҳамда келгусидаги режалари билан ҳам яқиндан танишилди. Тадбир якунида ишчи гуруҳ аъзолари томонидан тадбиркор аёллар фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ишбилармонлик муҳитини янада кучайтириш, аёллар бандлигини таъминлаш ҳамда ҳудуднинг иқтисодий салоҳиятини ошириш бўйича қатор амалий таклифлар билдирилди. Шунингдек, тадбиркор аёлларни қийнаб келаётган муаммолар ўрганилиб, уларни ҳал этиш юзасидан тегишли тавсиялар берилди.

Тадбир якунига кўра, “Ilhom Xidirov nomidagi GULSHAN SCHOOL” хусусий мактаби раҳбари Барчинои Хидирова Янгиобод маҳалласининг энг фаол ва ташаббускор тадбиркори сифатида эътироф этилди.

– Мазкур лойиҳа орқали тумандаги барча маҳаллаларни қамраб олишни режалаштирганмиз, – дейди **O'zLiDeP Яккабўғ туман кенгаши раисининг биринчи ўринбосари – аппарат раҳбари Сарвиноз Ниёзова.** – Ассосий мақсад – Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йилида маҳаллаларда истиқомат қилаётган хотин-қизларни тадбиркорликка йўналтириш орқали турмуш фаровонлигини ошириш, хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги босқичга олиб чиқиш, уларнинг ижтимоий-сиёсий фаоллигини кучайтириш ҳамда турли соҳа ва тармоқларда ўз салоҳияти ва имкониятларини тўлиқ рўёбга чиқаришга қўмаклашишдан иборат.

Сайфулла ИКРОМОВ,
“XXI asr” мухбири

ХОРАЗМ

O'zLiDeP томонидан ўтказилган “Ишбилармон аёл” республика кўрик-танловининг мантиқий давоми сифатида ҳар бир маҳаллада “Маҳалланинг ишбилармон аёли” лойиҳасига старт берилгани барчани қувонтирди. Мазкур лойиҳа маҳаллаларда фаолият юритаётган ишбилармон хотин-қизларни аниқлаш, қўллаб-қувватлаш ва уларнинг фаолиятини омалаштиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ана шу эзгу мақсад йўлида O'zLiDeP Хоразм вилоят кенгашининг “Аёллар қаноти” ташаббуси билан Урганч шаҳридаги Феруз маҳалласида фаолият юритаётган ишбилармон аёллар фаолияти ўрганилди. Депутатлар ва партия фаолларидан иборат ишчи гуруҳ маҳалладаги тадбиркор аёллар фаолияти билан яқиндан танишиб, уларнинг эришган ютуқлари, мавжуд муаммолари ҳамда келгусидаги режалари ҳақида бевосита суҳбатлар ўтказди.

Айни кунда Феруз маҳалласида 10 нафарга яқин фаол тадбиркор аёл ўз бизнесини юритиб келмоқда. Улар орасидан танлов низоми талабларига тўлиқ жавоб берадиган, энг муносиб номзодни саралаб олиш мақсадида ҳар бир иштирокчининг фаолияти атрофлича ўрганилди.

Жумладан, ишчи гуруҳ аъзолари 2010 йилдан буён тадбиркор сифатида самарали меҳнат қилиб келаётган хунарманд Зулфия Қаландарова фаолияти билан яқиндан танишдилар. У асосан буюртма асосида кўрпа ва кўрпачалар тикиш билан шуғулланиб, маҳаллада хунармандчилик аъёналарини сақлаб қолишга муносиб ҳисса қўшиб келмоқда.

Шунингдек, ишчи гуруҳ аъзолари “Урганч юксалиш” хусусий корхонаси фаолиятини ҳам ўрганидилар. Мазкур корхона кўп йиллардан бери чойшаблар ва ишчилар учун махсус кийимлар ишлаб чиқариш билан шуғулланиб келмоқда. Корхона раҳбари Рисолат Абдукаримова 2017 йилдан буён бизнесни “нол”дан бошлаб, қисқа вақтда барқарор ишлаб чиқаришни йўлга қўйди ҳамда салмоқли натижаларга эришди.



Ишлаб чиқариш жараёнларини замонавийлаштириш мақсадида корхонага қиймати 95 миллион сўм бўлган Хитойда ишлаб чиқарилган замонавий технология олиб келиб ўрнатилди. Бу эса ишлаб чиқариш ҳажми ва маҳсулот сифати кўрсаткичларини сезиларли даражада оширишга хизмат қилди. Бугунги кунда корхонада 23 нафар ишчи доимий меҳнат қилмоқда, уларнинг 18 нафарини имконияти чекланган хотин-қизлар ташкил этади. Бу эса корхонанинг нафақат иқтисодий, балки ижтимоий аҳамиятини ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Айни пайтда “Урганч юксалиш” хусусий корхонаси маҳсулотлари нафақат ички бозорда, балки халқаро бозорда ҳам ўз харидорларига эга. Жумладан, корхона томонидан Озарбойжон ва Тожикистон давлатларига экспорт амалга оширилган. Хусусан, ўтган йили Озарбойжонга 1,5 миллиард сўмлик маҳсулот экспорт қилинган бўлса, жорий йилда 7 миллиард сўмлик маҳсулот экспорт қилиш режалаштирилмоқда.

– Партияимизнинг мазкур лойиҳаси ишбилармон аёлларни кашф этишда муҳим қадам бўлади, – дейди Халқ депутатлари Урганч шаҳар кенгаши депутати Шўҳрат Ҳалимов. – Бу орқали маҳаллаларда кўринмаётган имконият ва салоҳиятга эга бўлган аёллар аниқланиб, уларнинг фаолияти омалаштирилади. Натижада хотин-қизлар бандлиги таъминланиб, оилалар даромади ошади, ҳудудларнинг ижтимоий-иқтисодий ривожланишига салмоқли ҳисса қўшилади.

Тадбир якунида ишчи гуруҳ аъзолари тадбиркор аёлларнинг фаолиятини юқори баҳолаб, уларга келгусида ҳам ҳар томонлама амалий қўмак кўрсатилишини таъкидладилар.

Танлов натижаларига кўра, Урганч шаҳри Феруз маҳалласининг энг фаол ва ташаббускор тадбиркори деб Рисолат Абдукаримова эътироф этилди ҳамда танловнинг шаҳар босқичида иштирок этиш учун йўланмага сазовор бўлди.

O'zLiDeP Хоразм вилоят
кенгаши матбуот хизмати

Саҳифани “XXI asr” мухбири
Абдулла ЧИМИРЗАЕВ тайёрлади.

ТЎРТКЎЛ АЭРОПОРТИ ҚАЙТА ТИКЛАНСА...

...Тўрткўллик холамининг қизи эрта тонгда синиқ овозда қўнғироқ қилиб қолди: “Қуёвингизни тоби қочди, зудлик билан Тошкентга олиб боришимиз керак. Дўхтирлар поезд ёки енгил уловда кетиши мумкин эмас, дейишди. Кечкурун Урганч аэропортига келган эдик... чипта қолмапти...”

Жондай жигаринг кўмак сўраганида қараб туrolмай-сан киши. Ҳамма танишларини саҳармардонда безовта қилиб, пешинроқда учадиган самолётга зўрға икки чипта топдим. Муштипар холаваччам миннатдорчилик билдира-ётиб, деярли унутилган бир ҳолатни эсимга солди: “Эҳ, ўзимизнинг Тўрткўлда аэропорт ишлаб турган маҳаллари сира қийналмасдик...”

Холамиз тақдир тақозоси билан дарё ошиб Қорақалпоғистоннинг Тўрткўл шаҳрига турмушга чиққан. Уйлари шаҳарнинг кунботар томонидаги аэропортнинг шундоқ яқинида эди. Болалик чоғлари борганимизда қачон самолёт учади ёки келиб қўнади деб қизиқиб томоша қилардик. Тўрткўлдаги аэропорт ўтган асрнинг эллагинчи йиллари охирида ишга туширилган экан. Аввалига фақат Тошкентга ҳаво қатнови йўлга қўйилган бўлса, талаб ошганидан сўнг, кейинчалик Самарқанд, Туркманистон пойтахти Ашхабод ҳамда Россиянинг бир қатор шаҳарларига доимий рейслар амалга оширилган. Ҳатто “АН-2” русумли енгил самолётлар Урганчга ҳар куни уч-тўрт марта учарди.

...1999 йил!

Тошкентдан учиб келган “ЯК-40” йўловчи самолёти учувчи ва диспетчер хатоси туфайли қўниш вақтида ҳалокат содир бўлди: ҳаво кемаси учиш йўлагидан чиқиб кетиб, тасодиф туфайлигина кенг далага қўнади. Бу ҳалокатда икки йўловчи вафот этиб, бир неча киши енгил тан жароҳати олади. Фожиа сабабларини ўрганиш бўйича тезкор ҳукумат комиссияси тузилиб, ҳаво транспорти тизими масъуллари йўл қўйган хатони тузатиш, учиш йўлагини узайтириш ўрнига юзага келган муаммога осонгина ечим топилади – туппа-тузук ишлаб турган аэропорт ёпилди, вассалом!

Ҳаш-паш дегунча орадан қарийб ўттиз йилга яқин вақт ўтиб кетди. Шунгача бирор жойда шоша-шошарлик билан қабул қилинган қарор муҳокама қилинмади, масъуллар ҳам ҳамон сукут сақлашмоқда.

Бугун, тасаввур қилинг, Амударёнинг ўнг қирғоғидаги учта туманда тўрт юз эллик мингга яқин аҳоли истиқомат қиляпти. Энг эътиборга лойиқ жиҳати, Эллиққалъа тумани худудидаги неча минг йиллик тарихга эга археологик ёд-

горликлар – қадим қалъаларни кўриш учун ҳар йили хориж ва Марказий Осиё ҳамда юртимизнинг турли ҳудудларидан икки миллиондан ортиқ сайёҳлар ташриф буюрмоқда. Айниқса, чет давлатлардан келаётган сайёҳларнинг аксари Нукус ёки Урганч халқаро аэропортидан фойдаланишади. Қорақалпоғистон Республикасининг шарқий туманлари билан Нукус оралиғидаги масофа 150 километрни ташкил қилса, Урганч шаҳригача салкам қирқ километрлик йўл. Бу эса сайёҳларга қатор ноқулайликлар туғдириши, яъни вақт ва ортиқча маблағ сарфлашларига тўғри келаётир.

Эсимда, ўша маҳаллари Тўрткўл аэропортидан нафақат Қорақалпоғистоннинг уч тумани, балки оралиқ масофа нисбатан яқин бўлганлиги сабаб Хоразм вилоятининг Ҳазорасп, Тупроққалъа, Боғот ва Хонқа туманлари аҳолиси ҳам фойдаланишарди (Фикримиз исботи учун содир бўлган “ЯК-40” ҳалокатида вафот этган ҳар икки йўловчи Ҳазорасп туманидан эканлигини эслатамиз).

Кейин саккиз-тўққиз йил ичида Ўзбекистонда янгича ислохотлар амалга оширилаётганлиги туфайли, бугунги кунда, айниқса, логистикага бирламчи эътибор қаратилмоқда. Натижада юртимизга келаётган меҳмонлар сони йилдан йилга ошаётгани, уларга тезкор, қулай ва сифатли хизмат кўрсатишни энг юқори босқич – яъни жаҳон андозаларига етказиш талаби юзага келмоқда. Бу борадаги тизимли ўзгаришлар нафақат ташқи, балки ички сайёҳлар оқимини ҳам мунтазам барқарор сақлашни назарда тутди, албатта.

Оддий мисол: 2022 йил 26 октябрда Президентимиз томонидан “Республикада маҳаллий авиақатновларни ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида” ги қарор қабул қилиниб, ушбу ҳужжатга мувофиқ 2023 йил мартдан мамлакатимизнинг бир қатор шаҳарларига янги йўналишларда мунтазам авиақатновларни бошлаш ҳамда Шахрисабз ва Сароисиё аэропортларига авиақатновларни тиклаш, шунингдек, Зомин аэропортига авиақатновларни йўлга қўйиш белгиланган эди.

Орадан кўп вақт ўтмади ва жуда қисқа муддат ичида бир пайтлар фаолият юритган Шахрисабз ва Сароисиё шаҳарларидаги аэропортлар замонавий тарзда қайтадан таъмирланиб, Зоминда эса янги аэропорт ишга тушди. Уч йил аввал Қорақалпоғистоннинг энг чекка шаҳри Мўйноқда ҳам ажойиб аэропорт ишга туширилиб, маҳаллий аҳоли ва Орол денгизини кўриш учун ташриф буюраётган хорижлик сайёҳларга хизмат кўрсатмоқда. Эътироф этиш кераки, бугунги кунда ушбу ҳудудларда яшаётган аҳоли бундай қулайликлардан фойда мамнун.

Албатта, аэропортлар фақат йўловчи ташиш билан чекланмайдиган. Тадбиркорлар ишлаб чиқараётган, фер-



мерлар етиштираётган озиқ-овқат маҳсулотларини чет элларга экспорт қилиш, айни пайтда четдан зарур ускуна ҳамда товарларни тезкор келтириш ҳам давр талаби. Масалан, Беруний тумани миришкорлари етиштираётган ўхшаши йўқ, шираси тилёраб қовунларнинг харидорлари бугун дунёнинг барча қиъаларида топилади. Бугун мазкур ҳудудда тадбиркорлар томонидан қурилган юзлаб гектар йирик иссиқхоналарда йил давомида полиз ва сабзавот маҳсулотлари етиштирилиб, уларнинг бир қисми қўшни давлатларга экспорт қилинаётир. Полиз ва сабзавот маҳсулотлари узоқ вақт сақланмаслиги боис истеъмолчиларга тезкор етказиш талаб қилинади. Ва бундай пайтда, табиийки, ҳаво транспорти сув ва ҳаводек зарур бўлади.

Давр тезкор. Дунё ҳамжамияти эътироф этаётганидек, Ўзбекистонда амалга оширилаётган барча соҳалардаги ислохотлар тобора жадаллашмоқда. Янги йил арафасида Президентимиз Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида амалдаги йилда режалаштирил-

ган улкан лойиҳалар қадри ва қиймати қанчалик улғувор эканлигини айтиб, залворли рақамларни келтириб, кейинги беш йилда хорижий туристлар сонини 2 карра (11 миллиондан 20 миллионгача) ошириш, туризм хизматлари ҳажмини эса 20 миллиард долларга етказиш вазифасини қўйди.

Ўйлаймизки, ҳукуматимиз салкам ярим аср фаолият юритган Тўрткўл аэропортини қайта ишга тушириш масаласини кун тартибига қўйиш фурсати етди. Агар бу хайрли иш амалга ошса, мазкур аэропорт ўша ҳудудда яшаётган салкам етти юз минг нуфусли аҳоли ва адади миллионлардан аллақачон ошиб кетган сайёҳлар учун янада қулай имкониятлар яратилган бўларди.

Рўзимбой ҲАСАН,
“XXI asr” муҳбири

ТАДБИР



ҲУҚУҚ ВА ҲИМОЯ

РАҚАМЛИ СУД ҚАРОРЛАР ИЖРОСИ ВА ТАДБИРКОР ҲУҚУҚЛАРИНИНГ ТЕЗКОР ТАЪМИНЛАШНИ КАФОЛАТЛАЙДИ

Президент Шавкат Мирзиёев томонидан 2025 йил 26 декабрь куни Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўлланган Мурожаатномасида суд-ҳуқуқ тизимини ислоҳ қилиш бўйича бир қатор муҳим ва стратегик йўналишлар белгилаб берилди.



Шоира ЭРМЕТОВА,
Тошкент туманлараро
иқтисодий суди судьяси.

ЁШЛАР ИШТИРОКИДА ЛОЙИҲА МУҲОКАМАСИ

О‘zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши “Ёшлар қаноти” гуруҳи ҳамда партия Шароф Рашидов туман бўлими томонидан Учтепа шаҳарчасидаги 2-сон касб-хунар коллежида “Ватан равнақиға барчамиз масъулмиз!” деб номланган очиқ мулоқот ташкил этилди.

Маҳаллий кенгаш депутатлари, партия фаоллари ва ёшлар қатнашган тадбирда жамоатчилик муҳокамасига қўйилган Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”да устувор йўналишлар бўйича ислохотлар дастурлари ва Давлат дастурини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони лойиҳаси ҳақида сўз юритилди.

Таъкидлаб ўтилганидек, лойиҳада давлатимиз раҳбарининг Олий Мажлис ва халқимизга Мурожаатномасида таъкидланган соҳалар бўйича давлат сиёсатининг асосий йўналиш ва кўрсаткичлари, ислохотлар дастурлари ижросини ташкил этиш ҳамда назорат қилишнинг механизмлари ва масъуллари белгилаб берилмоқда. Беш устувор йўналиш доирасида алоҳида-алоҳида ислохотлар дастурлари тасдиқланмоқда.

Шунингдек, “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини 2026 йилда амалга ошириш бўйича амалий чора-тадбирлар режалари, ишлаб чиқиладиган норматив-ҳуқуқий ҳуж-

жатлар ва Стратегик қонунчилик ҳужжатларидан иборат Давлат дастури тасдиқланмоқда.

– Юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлашда дастуриламал бўлиб хизмат қиладиган ушбу ҳужжат муҳокамасида ёшларнинг фаол иштирок этаётгани қувонарли, – дейди Халқ депутатлари Шароф Рашидов туман кенгаши депутати Ғанишер Авалбоев. – Бугунги очиқ мулоқот давомида ҳам ёшлар томонидан лойиҳа юзасидан билдирилган ўринли таклифлар умумлаштирилди.

Таъкидлаш лозимки, айни кунларда О‘zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши томонидан мазкур ҳужжат мазмун-моҳиятини кенг жамоатчиликка етказиш бўйича маҳалла-ларда, корхона ва ташкилотларда, ўқув ва тиббиёт масканларида очиқ мулоқотлар, учрашувлар ташкил этилмоқда.

Сирожиiddин АҲМАДОВ,
О‘zLiDeP Жиззах вилоят кенгаши
“Ёшлар қаноти” гуруҳи раҳбари

содий суд қарорлари ижросини рақамлаштиришда эса, аввало, қоғозбозлик ва инсон омилига чек қўйилади ва шу орқали ижро самарадорлиги бир неча баробарга оширилади. Бу шунчаки техник жараён эмас, балки тадбиркорнинг ҳуқуқини амалда тиклаш механизмидир.

Энди сўнгги йиллардаги ислохотлар ва белгиланган вазифаларга кўра, суд-ҳуқуқ тизимида рақамлаштиришдан қўлга олинган натижаларга эътибор қаратсак.

ИЖРО ҲУЖЖАТЛАРИНИНГ ЭЛЕКТРОН АЙЛАНИШИ

Илгари суд қарори чиққандан кейин ижро варақасини олиш ва уни Мажбурий ижро бюроси (МИБ)га олиб бориш учун ҳафталаб вақт кетарди. Энди суд қарори қонуний қучга кирган заҳоти тизим орқали автоматик равишда МИБнинг электрон базасига тушади. Бу вақт сарфи ва ҳужжат йўқолишининг олдини олади.

БАНК ҲИСОБ РАҚАМЛАРИГА АВТОМАТИК ТАҚИҚ ҚЎЙИШ ВА ЕЧИШ

Ҳозирда ижрочи томонидан банкка сўров юбориш ва жавоб олиш жараёнида қарздор маблағларини бошқа ҳисобга ўтказишга улғуриш мумкин. Рақамли тизим эса қарздорнинг барча банк ҳисобларини сониялар ичида аниқлайди ва даъво суммаси миқдоридаги маблағни инсон омили аралашувисиз “музлатиб” қўяди. Қарз тўлангач, тақиқ худди шундай тезликда автоматик ечилади.

МУЛКЛАРНИ ЭЛЕКТРОН ИНВЕНТАРИЗАЦИЯ ҚИЛИШ

Рақамлаштириш орқали МИБ тизими Кадастр, Давлат йўл ҳаракати хавфсизлиги хизмати ва бошқа органларнинг базалари билан интеграция қилинади. Қарздорга тегишли бўлган кўчмас мулк, автомобиль ва бошқа активлар тизимда дарров кўринади. Бу ижрочининг “мулки йўқ экан” деган асоссиз вазирлига чек қўяди.

КОРРУПЦИЯ ВА СУИИСТЕЪМОЛЧИЛИКНИ КАМАЙТИРИШ

Ижро жараёнининг ҳар бир босқичи “Е-Isqo” ёки шунга ўхшаш тизимларда қайд этилади. Қайси ижрочи ишни қачон бошлади, қандай ҳаракат қилди ёки нега тўхташиб қўйди – ҳаммаси мониторинг қилинади. Бу ижрочи ва қарздор ўртасидаги “келишувлар” имкониятини кескин чеклайди.

ТАДБИРКОР УЧУН “ШАФФОФ КАБИНЕТ”

Даввогар (тадбиркор) ижро жараёни онлайн кузатиб бориш имкониятига эга бўлади. Тадбиркор ижрочининг эшиги тагида навбат кутиб ўтирмайди, балки ўз шахсий кабинети орқали мулк хатлангани, кимошди савдосига чиқарилгани ёки маблағ ундирилгани ҳақида реал вақтда маълумот олиб туради.

Хулоса қилиб айтганда, рақамлаштиришдан асосий мақсад – иқтисодий суд қарори кечиктирилмайдиган ва ижроси муқаррар ҳужжатга айланишидир. Бу эса тадбиркорнинг айланма маблағлари тўхтаб қолмаслигини таъминлайди.

ОГОҲ БЎЛИНГ!



ХАВФСИЗ ХОНАДОН
халқ манфаати йўлида

Маълумки, ҳар йили республика миқёсида турли номлар остида хавфсизлик ойлари ўтказилади. Албатта, ана шу тадбирлар давомида қанчадан-қанча хатарли ҳолатлар, фуқароларимиз ҳаётига хавф туғдириши мумкин бўлган ҳодисаларнинг олди олинади. Бу эса ушбу тизим вакиллари масъулиятини янада оширишга хизмат қилади.

Шу маънода юртимизнинг барча жойларида жорий йилнинг 1 январидан 31 январига қадар ўтказилаётган “Хавфсиз хонадон ойлиги” доирасида Хоразм вилоят Ички ишлар бошқармаси ҳузуридаги Хавфсиз туризми таъминлаш бошқармаси ходимлари туризм объектилари ва уларнинг атрофида жойлашган аҳоли хонадонларида профилактик мулоқотларда фаол иштирок этишмоқда. Эътиборли томони, биринчи навбатда сайёҳлар хавфсизлигини таъминлаш учун йўл ҳаракатини тартибга солиш

ва қиш мавсумида меҳмонхоналарда ис газидан заҳарланишнинг олдини олиш ҳамда меҳмонларнинг мамлакатимиз қонун-қоидаларига қай тарзда риоя қилишлари ва “E-mehtop” платформасига ўз вақтида рўйхатга олиш бўйича турт хил йўналишда тарғибот ишларини олиб боришмоқда.

Бобур РАМАТЖОНОВ,
Хоразм вилояти ИИБ Хавфсиз туризми таъминлаш бошқармаси ходими, катта лейтенант

БУНЁДКОРЛИК

Юртимизда аҳоли фаровонлигини ошириш, фуқаролар учун муносиб турмуш шароитларини яратишга қаратилган кенг кўламли ислохотлар изчил давом этмоқда. Айниқса, давлат дастурлари ва халқаро лойиҳалар доирасида амалга оширилаётган инфратузилма ишлари маҳаллалар қиёфасини тубдан ўзгартириб, одамларнинг кундалик ҳаётига бевосита ижобий таъсир кўрсатмоқда.

Сурхондарё вилояти Денов туманида бу каби бунёдкорлик ишлари, аввало, “Очиқ бюджет” лойиҳаси орқали самарали амалга оширилди. Хусусан, Сурхон маҳалласида йиллар давомида таъмирталаб бўлиб келган кўчалар тўлиқ асфальтланиб, аҳолининг узоқ йиллик муаммосига ечим топилди. Лойиҳа “Сурхондарё минтақавий йўлларга буюртмачи хизмати” давлат унитар корхонасининг буюртмаси асосида амалга оширилиб, қурилиш ишлари Абдужалил Холмуродов раҳбарлигидаги “Mega-Quruvchi Invest-Servis” МЧЖ томонидан лойиҳа ҳужжатларига мувофиқ, сифатли ва белгиланган муддатларда бажарилди.

Натижада Обод турмуш, Буюк Ипак йўли берк, Тинчлик, Дўстлик, Тараққиёт, Шодлик, Нихол, Ёшлик, Гулистон, Истиқлол, Зарафшон ва Нурафшон каби кўчалар замонавий асфальт қопламасига эга бўлиб, маҳалла қиёфаси янада кўркем тус олди.

Туманларни жадал комплекс ривожлантириш дастури доирасида Денов тумани марказида жойлашган



СУРХОНДАРЁ: МАҲАЛЛА
ОБОДЛИГИ – ЭЛ ОБОДЛИГИ

Бобур маҳалласида ҳам йўл-инфратузилмани янгилаш ишлари изчил давом эттирилди. Жумладан, Сайилгоҳ кучасининг 1 500 метр қисми капитал таъмирланиб, пиёдалар учун алоҳида йўлак барпо этилди. Шунингдек, замонавий ёритиш мосламалари ўрнатилди. Ушбу лойиҳа **Орифжон Мухаммадиев** раҳбарлигидаги “Grand Sohil Baraka” МЧЖ томонидан ўз вақтида ва белгиланган техник талаблар асосида муваффақиятли амалга оширилди.



Айни пайтда мазкур қурилиш жамоаси вилоят ҳокимлиги ҳузуридаги “Ягона буюртмачи хизмати” инжиниринг компанияси буюртмасига кўра, Иқтисодиёт ва молия вазирлиги ҳамда БМТ Тараққиёт дастурининг қўшма ташаббуси, Ислоот тараққиёти банки томонидан қўллаб-қувватланган “Қишлоқ жойларни комплекс



ривожлантириш” дастури доирасида ҳам фаол иштирок этмоқда.

Ангор туманининг Гиламбоб маҳалласида олиб борилаётган ишлар эса инфратузилма муаммоларини тизимли ҳал этишга қаратилган билан аҳамиятли. Бу ерда умумий узунлиги 14 минг 400 метрни ташкил этувчи асосий ва ички йўллари асфальтлаш режалаштирилган бўлиб, айни кунларда ер текислаш ишлари ҳамда шағаллаштириш жараёнлари жадал олиб боришмоқда. Ушбу лойиҳа маҳалла аҳолисини қиш фаслидаги лой-чанг, ёздаги чанг-тўзон муаммосидан халос этишга хизмат қилади.

Эътиборлиси, Ангор туманининг Новшаҳар, Карвон ва Қорабўғ маҳаллаларида тоза ичимлик суви таъминотини яхшилашга қаратилган йирик лойиҳа доирасида ҳам амалга оширилмоқда. Қўямати 10 миллиард сўм бўлган мазкур лойиҳа “O‘ZSUVTAMINOT” АЖ нинг Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси буюртмаси асосида “Sobir-Quruvchi” хусусий корхонаси томонидан белгиланган муддатларда фойдаланишга топшириш мақсадида жадал суръатларда олиб боришмоқда.

Шеробод туманида эса аҳоли хавфсизлиги, айниқса, пиёдаларнинг

ҳаракат хавфсизлигига жиддий эътибор қаратилмоқда. Меҳнатобод, Дўстлик, Чорбўғ, Ҳўжақия-2, Ҳакимобод, Чуқуркўл ва бошқа жами 9 та маҳаллада умумий узунлиги 13 минг 600 метр бўлган пиёдалар йўлаклари барпо этилмоқда. Йўлаклар замонавий тунги ёритиш мосламалари билан жиҳозланиб, болалар, кексалар ва барча фуқаролар учун хавфсиз ҳаракат шароити яратилмоқда. Қурилиш ишлари “Oltinsoy Invest” МЧЖ томонидан сифатли тарзда бажарилапти.

Мутахассислар таъкидлаганидек, инфратузилмани ривожлантиришга қаратилган бундай сармоялар аҳолининг ижтимоий фаоллигини ошириш, ҳудудларни иқтисодий жиҳатдан ривожлантириш ҳамда умумий яшаш сифатига ижобий таъсир кўрсатади. Шу маънода, маҳаллаларда олиб борилаётган бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари юртимизда ислохотлар изчил ва самарали давом этаётганининг ёрқин амалий исботидир.

Юнусали ОЧИЛДИЕВ,
“XXI asr” мухбири

Хизматлар лицензияланган

Реклама ҳуқуқи асосида тайёрланди.

ТАРАҚҚИЁТ

БАРҚАРОР ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ВА ЯНГИ
РИВОЖЛАНИШ САРИ

Корхонамизда ҳар йили йил бошида шаклланган анъанага мувофиқ, “Shutdown” дастури доирасида режалаштирилган профилактика, таъмирлаш ва модернизация ишлари босқичма-босқич амалга оширилади. Ушбу жараён ишлаб чиқариш тизимларини янги йил режаларига тўлиқ мослаштириш, технологик жараёнларни такомиллаштириш ҳамда барқарор ва узлуksиз ишлаб чиқаришнинг таъминлашга қаратилган муҳим босқич ҳисобланади.

Жорий йилги “Shutdown” жараёнида ҳам корхонамизнинг барча ишлаб чиқариш цехларида комплекс тарзда таъмирлаш, тозалаш, соzлаш ва янгилаш ишлари олиб боришмоқда. Хусусан, пресслаш, пайвандлаш, бўёқлаш ва йиғув цехларида ускуналарнинг техник ҳолати чуқур таҳлил қилиниб, эҳтимолий носозликларнинг олди олинди. Бу эса ишлаб чиқариш жараёнларининг аниқлиги, ишончилиги ва барқарорлигини янада ошириш имконини берди.

Албатта, амалга оширилаётган бу каби режали чора-тадбирларимиз, энг аввало, ишлаб чиқариш қувватини барқарор ҳолатда сақлашга, режалаштирилган ҳажмларни ўз вақтида бажаришга

Алоҳида таъкидлаш жоизки, “Shutdown” даврида қўрилган тадбирлар нафақат ишлаб чиқариш самардорлигини оширишга, балки корхонамиз ишчи-хизматчилари учун хавфсиз ва қулай меҳнат шароитларини яратишга ҳам хизмат қилади. Иш жойларини тартибга келтириш, хавфсизлик тизимларини мустаҳкамлаш, бўлимларда эргономик муҳит яратиш орқали инсон омилига бўлган эътибор янада кучайтирилди. Зеро, барқарор ва самарали ишлаб чиқаришнинг ташкил этилиш, бу аввало, қарийб тўрт минг нафар ходимларнинг ҳаёт хавфсизлигини таъминлашдан ташқари уларга муносиб меҳнат шароити яратиб бериш билан чамбарчас боғлиқдир.



ҳамда маҳсулот сифатини доимий назоратда ушлаб туришга хизмат қилади. Шу билан бирга, модернизация жараёнлари орқали иш жойларидаги тартиб-интизом, технологик маданият ва ишлаб чиқариш ҳолати янги босқичга кўтарилди.

Модернизация ишларининг муҳим стратегик мақсадларидан яна бири – корхонамизда йиллик ишлаб чиқариш ҳажмини 150 мингта автомобилга етказиш учун зарур бўлган техник ва технология базани мустаҳкамлашдан иборат. Таби-

ийки, ушбу режага эришиш учун ишлаб чиқариш жараёнларининг барча бўғинларида барқарорлик, аниқлик ва узлуksизлик таъминланиши талаб этилади. Таъкидлаш керакки, “Shutdown”да айнан ана шу йўналиш бўйича кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилди.

Шунингдек, филиалда Damas ва Labo автомобиллари базасида турли хил махсус техникалар ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича ишларга ҳам алоҳида аҳамият қаратилмоқда. Бу борада ишлаб чиқариш линияларини мослаштириш, технологик жараёнларни қайта қўриб чиқиш ва замонавий иш усуллари-ни жорий этиш учун “Shutdown” жараёнидан самарали фойдаланилди. Махсус техникалар ишлаб чиқарилишини ривожлантириш корхонанинг бозордаги рақобатбардорлигини ошириш билан бирга, маҳсулот турларини диверсификация қилишга хизмат қилади.

Бундан ташқари, ушбу дастурга мувофиқ филиалимизда янги моделдаги автомобиллар ишлаб чиқаришга тайёр-гарлик қўриш мақсадида инфратузилмани янгилаш ва техник асосларни мустаҳкамлаш ишлари ҳам бажаришмоқда. Асосийси, янги модел ишлаб чиқариш – бу фақат янги маҳсулот яратиш дегани эмас, балки бутун ишлаб чиқариш тизимининг янада юқори технологик босқич-га кўтарилишини аниқлатади. Шу боис бугунги кунда амалга оширилаётган модернизация ишлари келгусидаги йирик лойиҳалар учун ҳам мустаҳкам пойдевор бўлишига шубҳа йўқ.

Айни пайтда корхонамиздаги барча ишлаб чиқариш линиялари штат режимида барқарор фаолият юритмоқда.

Жамоа аъзолари техника хавфсизлиги қоидаларига қатъий амал қилган ҳолда, белгиланган ишлаб чиқариш режаларини сифатли ва ўз вақтида бажариш йўлида изланишлар олиб боришляпти.

Эътиборли жиҳати, янги ишлаб чиқариш босқичида корхонамиз жамоаси олдида янада масъулиятли вазифалар юклатилган. Жумладан, “Нуқсонсиз ишлаб чиқариш” тамойилларини амалиётга кенг жорий этиш, маҳсулот сифати кўрсаткичларини янада юксалтириш, ишлаб чиқариш самарадорлиги ва меҳнат унумдорлигини ошириш, тайёр техникаларни миждозга етказиб бериш муддатини янада қисқартириш ҳамда хавфсизлик маданиятини мустаҳкамлаш энг устувор йўналишлар сифатида белгиланган.

Тасаввур қилинг, албатта корхонамизда ишлаб чиқарилаётган ҳар бир автомобиль ортида катта масъулият, билим ва жамоавий меҳнат турганини чуқур англаган ҳолда, истеъмолчиларга замонавий, ишончли ва рақобатбардор маҳсулотлар етказиб бериш бизнинг энг асосий бурчимиз эканини теран ҳис қиламиз. Шунини ишонч билан таъкидлаш керакки, филиал жамоаси 2026 йилда ҳам зиммамизга белгиланган режаларни муносиб бажариб, корхонамиз ривожини ва мамлакат саноати тараққиётига салмоқли ҳисса қўшади деган умиддамыз.

Собир ЖУМАНИЯЗОВ,
“UzAuto Motors” АЖ Хоразм вилояти филиали бошқарувчи директори, вилоят кенгаши депутати

ЭЪЛОН

“М.Х. MAQSAD” ХАЙРИЯ
ЖАМОАТ ФОНДИНИНГ 2025 ЙИЛГИ
МОЛИЯВИЙ ҲИСОБОТИ

Тошкент шаҳар “М.Х. MAQSAD” хайрия жамоат фонди ўз фаолиятининг очиклиги ва шаффофлигини таъминлаш мақсадида 2025 йил учун молиявий ҳисоботини жамоатчилик эътиборига ҳавола этади.

2025 йил 1 январь ҳолатига кўра, фондининг асосий ҳисоб рақамида 1 719 211 (бир миллион етти юз ўн тўққиз минг икки юз ўн бир) сўм 10 тийин пул маблағи мавжуд бўлган.

2025 йил давомида PAYNET, Click, Payme тўлов тизимлари ҳамда банккомат аппаратлари орқали пластик карталардан фондининг асосий ҳисоб рақамига жами 44 948 604 (қирқ тўрт миллион тўққиз юз қирқ саккиз минг олти юз тўрт) сўм 05 тийин хайрия маблағлари тушган.

Ушбу маблағлар қуйидаги мақсадлар учун сарф этилди:

– 2025 йил давомида ойлик иш ҳақи учун пластик картага – 14 784 000 (ўн тўрт миллион етти юз саксон тўрт минг) сўм;

– ойлик иш ҳақидан ҳисобланган солиқ тўловлари учун – 4 048 800 (тўрт миллион қирқ саккиз минг саккиз юз) сўм 60 тийин;

– Тошкент шаҳрида жойлашган “Иброҳим” жомеъ масжиди қурилиши учун қурилиш материаллари харидига молиявий ёрдам сифатида – 15 608 000 (ўн беш миллион олти юз саккиз минг) сўм;

– 2024 йил учун аудиторлик хизмати ҳақи – 1 680 000 (бир миллион олти юз саксон минг) сўм;

– 2024 йил учун молиявий ҳисоботни газетада ёритиш хизмати учун – 1 008 000 (бир миллион саккиз минг) сўм;

– банк хизматлари билан боғлиқ харажатлар учун – 97 444 (туқсон етти минг тўрт юз қирқ тўрт) сўм 75 тийин;

– электрон рақамли имзо олиш учун – 37 500 (ўттиз етти минг беш юз) сўм;

– Яккасарой туман давлат солиқ инспекциясига тўланган жарима маблағи – 102 (бир юз икки) сўм.

Шу тариқа, 2025 йил давомида жами 37 263 846 (ўттиз етти миллион икки юз олтмиш уч минг саккиз юз қирқ олти) сўм 75 тийин маблағ сарф қилинган.

2026 йил 1 январь ҳолатига кўра, фондининг асосий ҳисоб рақамида 9 403 968 (туққиз миллион тўрт юз уч минг туққиз юз олтмиш саккиз) сўм 40 тийин пул маблағи қолган.

ФОНД МАЪМУРИЯТИ

Бунча итқим қайга етди?

Нега унинг овози ҳазин, табассуми синиқ эди? Ҳатто мағрур нигоҳида ҳам кишини ўйлантирадиган маъюслик яширин... Лекин ҳеч кимга ўхшамаган хокисорлик – вазминлигида қандайдир аслзодалик ҳам бор эдики, ҳамиша ғамгин, аммо улугвор кўринарди...

...Истараси ниҳоятда иссиқ, туйғуларни паришон юзига майин қалқиб чиққан, маҳзун қиёфали, ҳар қандай ҳолдаям дилбарлигича қолган, сочлари қумушга айланган маъсума Аёл. Унинг муҳаббатга айланган маъюс кўзларида юракни уйғотадиган илиқ ҳарорат мужассам. Актрисанинг ўйчан қиёфасига ёшликка хос лирика ҳам сингиб кетган эди. Бу унинг ниҳоятда нозикхаёл эканидан дарак берарди. Мана шу ҳолатда кўнглимни найнинг дилўртар навосидек титратди. Ва бу ҳазин куй кўмагида гўёки юрагимни қафтимга олиб томоша қилгандек бўлардим...

Ҳа, ахён-ахёнда бу найдан кўнгил қулфини очиб ташлайдиган уйноқи-шўх наволар янграрди. Барча истеъдодли инсонлар сингари юмор туйғуси у учун ҳам бегона эмас эди. Ўз ҳолатидан кула оларди, кулгандаям мазза қилиб, яйраганча армонсиз куларди. Баъзан биз дардидан маъюсланиб қолсак, ўзини “айбдор” сезиб хижолат чекар, “мени кечиринглар” дегандек илтижоли боқарди. Муносабатларимизда ёшимиздаги қирқ йиллик масофа ҳеч сезилмаган, олдиди ўзимни ниҳоятда эркин сезардим, юрагим эрк шаробидан тўйиб ичаётгандек бўларди. Ҳар гал суҳбатлашганда амин бўлардимки, бу аёлда камдан-кам одам эришиши мумкин бўлган, ҳар қандай чиройдан-да юксак, турмушнинг телба шамолларидан ғолиб руҳий юксаклик мавжуд эди. Актрисанинг ўй-мулоҳазалари ҳеч қачон кексалик нишонаси бўлиши панд-насихатга айланмади. Ҳаётни айрича муҳаббат билан севиб, уни теран тушуна, назаримда, бу туйғунини сўнгги лаҳзасигача суҳбатдошларига ҳам юқтиргиси келарди.

УНГА ОТАСИНИ КЎРИШ НАСИБ ЭТМАДИ. САЙРАМЛИК АНОР ХОЛА КЕНЖАТОЙИ АШУРНИ УРУШГА ЖЎНАТАЁТГАНИДА, ЎҒЛИ ВАГОН ДЕРАЗАСИДАН БОШИНИ ЧИҚАРИБ: “АЛЕКСАНДРАНИ АСРАНГЛАР, БЎЙИДА БОЛАСИ БОР!” ДЕЯ ОВОЗИ БОРИЧА БАҚИРАДИ. БУ ЎҒИЛНИНГ ОНАГА АЙТГАН ОХИРГИ ЎТИНЧИ ЭДИ. ОРАДАН ОЙЛАР ЎТИБ ФАРЗАНД ДУНЁГА КЕЛАДИ. АЛЕКСАНДРА ҚИЗАЛОҚҚА ЭРТА КЕТГАН ДУГОНАСИНИНГ ХОТИРАСИ УЧУН РИММА ДЕБ ИСМ ҚЎЯДИ. АНОР ХОЛА ЭСА КЕНЖАТОЙИНИНГ ТИРИК ВАСИЯТИНИ ҲЕЧ КИМГА ИШОНМАС, УНИ ИРИСОЙ ДЕБ ЧАҚИРАР, “ЧИРОҒИМ” ДЕБ ЭРКАПАТАРДИ.

Александра турмуш ўртоғини ўн бир йил кутади. Тақдирга тан берган она: “Болам, шунча кутдинг, уволонгча қолмай, турмушга чиқ”, дея келингича рухсат беради. Бироқ, Ашурининг ёлғиз ёдгорини ўзи билан олиб қолади. Невараси кўнглининг кемтиклиги билинмасин дея эски шаҳардаги бозорда тарозибонлик қилиб неки тансиқ нарса кўрса нуридийдасига илинади. Бола онамининг олдига бораман, деса ҳам ёлғиз юборишга кўзи қиймас эди. Негаки, бошқа турмуш қўриб, кетма-кет фарзандли бўлган Александранинг тинч турмушига ҳалал бергиси келмас эди.

– Ўзимча ойим (бувим)дан кўп ранжир-

дим, – дея эслайди Римма опа. – Институтда ўқиб юрган кезларим ижодий кечалар тез-тез бўлиб турарди. Шунда гоҳида кечгача қолиб кетар эдик. Уйга қайтаётганимда, қачон қарамай ойим кўчага чиқиб, мени кутиб ўтирардилар. Хоҳ қаҳратон қиш бўлсин – хоҳи ёз. Мен эса у кишини уришаман, “Ойи, маҳалладаги аёлларга гап кўпайтириб нима қиласиз: “Бояқиш, кечгача Ирисхонни кутиб кўчада дийдираб ўтирибди”, дейишарди.

Кунлар ойларга айланди, ойлар эса йилларга... Йилгирма ёшида у ҳам бувисидан, ҳам онасидан жудо бўлди. Мана шу жудоликлардан сўнг биз учун таниш бўлган нигоҳига қайғунинг илк сояси тушди. Бора-бора бу соя чуқур мунгга айланди. Ҳатто ўзини бахтиёр санаган лаҳзаларда ҳам унинг нигоҳини тарк этиб кетолмади.

“Маъракалари ўтгач, институтдан келаётсам, раҳматли ойим мунғайибгина мени кутиб ўтирадиган симёғоч остидаги курсича бир четда ағанаб ётибди. Уй қоп-қоронги. Кўнглим каби йилт этган ёруғлик ҳам йўқ... Шунда кимни йўқотганимни англаб етдим. У киши: “Чироғим, мендан хафа бўлма. Бир кун келиб афсусланишингни ҳеч хоҳламайман. Унда кеч бўлади. Ўз ҳолимга қўй мени. Қўшнилар гапи билан иш қилмайман-ку! Кўчага чиқиб сени кутишга кучим етяптими, бу ҳам ғанимат. Лекин, болам, шуни бил, сени мендек ҳеч ким кутмайди. Бошингга тушганида биларсан”, дер эдилар. Бувимни вафотларидан кейин тушундим... Энди эса ҳар тонг уйғониб у кишининг руҳидан кечирим сўрайман: “Ойижон, мен ғофилни кечиринг, мана бугун мен ҳам сизнинг аҳволингизга тушдим”. Назаримда, ҳали ҳам у киши “Ирис болам, кийналдингми”, деб мўлтираб тургандай...”

Бироқ ҳаёт доволари Анор хола дилбандини санъатнинг арзандасига эмас, ҳақиқий фарзанди – меҳри учун жазога ҳақмуқ этилган жафокаш Корделиясига айлантирди. Актриса ҳам бир вақтлар сахнада образини яратган қаҳрамонидек туйғуларини ошқора намён этавермас, меники-сеники дея сахнани кураш майдонига айлантирмасдан ўз сукутига ғарқ бўлганча, ички саволларига жавоб изларди. Римма Аҳмедова сахнада чуқур фожиавий образлар ёки ўткир драматизм руҳидаги қаҳрамонларни ҳамда комик ролларни яратаётганда фақат бир нарсани – томошабинлар актрисанинг оғзидан чиқаётган сўзларни эмас, чунки бу сўзлар муаллифники, актриса қалбига қўлоқ солишини, шу сўзларни айтаётганда қандай оғриқларни ўзидан ўтказаяётганини тушунишини орзу қилар эди. Умри шомиди “Юлдузли тунлар” спектаклидаги Хонзодабегим қисматини кўп эслади. Яъни бу образни сахнада қандай гавдалантирганини эмас, асло!.. Фақат яқин кишининг бахти учун ўзининг орзуларини, келажагини қурбон қилган Аёл дардини ўйларди. Ўйлаган сари ўзи ҳам унинг дунёсига чўкиб борар эди...

Унинг Ўзбек миллий театри сахнасида кўрган сўнгги спектакли “Дарахтлар тик туриб жон беради” сахна асариди эди. Бу пьеса актриса учун алоҳида қимматга эга. Негаки, бир умр шу асар хаёли билан яшади. “Гинзбург – Ричард III”ни фақат мен қўя оламан, бошқа ҳеч ким мендек қўя олмайди”, дер эди. Буни такаббурликка йўймаслик керак. Режиссёр бир асарга қўл урар экан, ўша асар ҳақида мана шундай даъвоси бўлиши шарт. “О, классика! Жаҳон драматургиясидан албатта сахналаштириш лозим”, деган ҳавойи хоҳишининг ўзигина ҳеч нарса қилолмайди. Яъни етук спектакл учун яхши асарнинг фақат ўзи камлик қилади. Бунда ҳеч кимни тақдорламаган режиссёр нигоҳи зарур. Асарнинг сахнавий варианты тўлалигича хаёлда етилиб пишемасдан қўл урмаслик керак... Ҳозир мен тасаввуримда Кассонанинг бу асарини тўлиқ кўрялман. Шу асар орқали ичимда қолиб кетаётган гапларни айтмоқчи эдим. Яъни инсон энг оғир дақиқаларда ҳам қанчалик қийин бўлмасин, тўғри қарор чиқара олиши шарт. Ҳеч курси ўлаётган гоҳида ҳақиқатнинг кўзига тик қараш учун ўзида куч топсин. Қанийди, имкониятм бўлганда эди. Ҳали режиссурага қўл уриш учун вақт бор деб ўйлардим. Афсус кеч бўлди. Жуда кеч...”



Актриса илк бор сахнада 1962 йил “Океандаги фарёд” спектаклида зиддиятли лирик кечинмаларга бой соҳибжамол баронесса қиёфасида чиқади. “Бу ажойиб спектаклни Тўла акам сахналаштирган эдилар. Бу менинг диплом спектаклим – илк ҳайратим бўлгани учунми қайта қўйилган вариантини кўришга юрагим дов бермади...”

Шифохонада кечган сўнгги суҳбатларимиздан бирида санъаткор шу спектаклда яратган баронессасини яна бир қарра эслади: “Ниҳоятда чиройли баронессанинг ошқилари кўп бўлади. Бой барон эса аёлининг хуснидан керилганча қароғачи саёҳатга чиқса, ўзи билан олиб юрар, бироқ тунлари эса шафқатсизларча “сен фохишасан” дея қаҳорат қилиб урарди. Асарнинг кулинацияси – қаҳрамонлар фожиа ёқасида қоладилар. Яшаш учун ҳеч қандай умид йўқ. Ҳамма фожиани турлича кутиб олади. Ажал рўпарасида турган барон маъшуқасига: “Нима учун мен сенга шунча азият етказаман-да, орқамдан қолмайсан, бир зум ҳам мендан айрилмайсан?” дейди. Шунда мен, яъни баронесса: “Биласанми, менга сенинг берган озорларинг ҳам ёқади, мени урган мана шу қўлларингни ҳам севаман”, деб жавоб бераман.

Муҳаббат шунақанги жумбоқки, сен уни тушунтириб беролмайсан. Нима учун севишингни айтолмайсан. Севасан ё севамайсан. Тамом. Мени тотганим ширин азоб бу. Негаки сен барибир қисқа бўлса-да, у билан кечган, бахтли, нурли кунларнинг хотираси учун ҳам... астойдил кечириб, уни ўйлашда яна давом этавераркансан. ...Юрагинг уриб турар экан, хато қилишдан ҳеч тўхтамас экансан. Гоҳида меҳринг ҳам хатоларингга айланаркан. Фақат ўлим билангина буларга нуқта қўяркансан. ...Йў-ўқ, ўтган кунлардан сира афсус чекмоқчи эмасман. Бошқача бўлолмасдим ҳам. Лекин, аёвсиз бир шамол умримни супуриб ташлагандай... Шунга мана бу ерим (қўксини кўрсатади) ачишиб куйдирыпти-де...”

У ўқиган шеърларнинг ҳар бири қандай қилиб санъат асарига айланганини ўзимча тушуна бошлайман. Назаримда, ундаги ҳассосликнинг, улугворликнинг ҳам қалити

унинг саодатманд қалбидида жавҳарда мужассамдек.

Бугун 17 октябрь. Эртага иккинчи бор жарроҳ столига ётади... Одатдагидек ишдан вақтли чиқиб шошганча Чилонзордаги касалхонага отландим. Палата эшигини секин очган кўйи охишта қадам ташлайман. Ўнг қўлини пешонасига қўйганча ётарди. Назаримда, ухлаётгандек. Каравот ёнидаги стулда букланган қоғоз тусида-хатчўп қистирилган китоб. Эрнест Хемингуэй: “Бонг кимга чалинади”. Эҳтиёткорлик билан бемор ёнига чўкдим. Ўзимча унинг ҳароратини, қайноқ тафтини туйгим келар эди. Бир текис нафас оляпти. Қип-қизил ёноқлари лов-лов ёнаётгандек. Тана ҳарорати кўтарилганга ўхшайди. Албатта, бу операцияга қираётган пажмурда жон учун яхши аломат эмас... Кўнглим бузилди... Имкон қадар кўз ёшларни кўрсатмаслик керак. Ўн дақиқаларча унга термилиб ўтирдим. Нурли кунларга ишонишга ҳар қанча уринмай, югуриб ўтаётган бу дақиқаларнинг ғаниматлигини бутун вужудим билан ҳис қилиб турар эдим. Ўша дамда бу лаҳзаларни тўхташиб, уларда яшай олмаётганим алам қиларди. Илк бор одамзоднинг энг улкан, буюк ва шафқатсиз армони ҳам мана шу тақдорланмас ВАҚТ – ҳаммамизни ўзи билан оқизиб олиб кетаётган онлар, бизни емираётган лаҳзалар экани юрагимни тирнади... У уйғонди. Унга томон янада қинқрок сурилдим. Қўлларини қафтимга олдим. Ҳамишагидек ҳазин жилмаяди:

– Ёнаяпман...
Ҳамширадан термометрни олиб, иссиғини ўлчадик. Ҳарорат 37,5 даража.
– Яхши эмас... – деди хўрсинганча, – ҳеҳқиси йўқ, Энди бугеи таваккал... Фақат яқинларимни овора қилганим қолди.
Ишларимни сўради, бироз ҳасратлашдик... Сўнгги нафасигача, бошидаги оппоқ толалардан товонига қадар Оналик ишқи унинг бутун борлиғини ёндирар эди. Умуман муҳаббат ўтида кул бўлгунча ёниб яшаш бу Аёл ёзуғи экан... Ўшанда ўзини олдинда кутиб турган йўқлик манзили эмас, асосан боласининг маъҳул қўринаётган тақдирини адоқсиз ўйга солиб, безовта қиларди... Ҳатто суҳбат орасида ўзини тетик сезгач, лати-

фа айтиб қулдирган ҳам бўлди. Унинг ҳамма оғриқларини борлигича ҳис қилиб турибман. Ночорман... Шунда бўғзимга тахирдан-тахир йиғи тикилди... Қарасам, унинг-да кўзидан ёш сизиб чиқяпти. Гўёки кўзёшларни яшириш илинжида қафтимда турган қайноқ қўлларига лабимни босаман... У яна ўша машъум, лекин ҳеч бир банда қочолмайдиган мавзудан гап очди.

– Менга ҳам сизларни ташлаб кетиш осон эмас. Барибир ҳаётдан тўйдим деганингда ҳам, сени бу дунёга боғлаб турадиган баъзи бир нарсалар бўлар экан...

Қанчалик оғир бўлмасин, у ўлимнинг кўзига тик қарашга чоғланарди. Ўша дамда оғзидан чиқаётган ҳар бир сўз ҳаёт чорраҳасида довдирлаганча турган ёш биродарига айтиши зарур бўлган энг сўнгги ҳақиқати экан:

– Бутун бошли ҳаётимни бир бутунликда кўраман. Бахтим ҳам, бахтсизлигим ҳам бир-бирига жанжирдек уланиб кетган. Бир қарасам – бахтсизлигимда бахт бор, бахтимда бахтсизлик. Шунинг учун ҳам мен буларни бир-биридан айро тасаввур қилолмайман. Ҳаммаси бир-бирига туртки бўлган... Мени сиздан ўтинчим, юрагингиздан нафратни қувинг, нафрат юракни кемиради. Заррача бўлса-да, ҳеч кимга нисбатан юрагингизда адоват қолдирманг. Севинг... Мен барини кечирганман, кўнглимда кек қолмаган. Бу менинг ҳаётим эди. Ҳар қандай ҳолатдаям, бошқа юрда тўғилганимдаям барибир шу қисматни яшаб ўтардим...

...Ўша номи совуқ касалхонанинг машъум жонлантириш бўлими. Елкамга оқ халат ташлаганча оёқ учиди уқолу дорилар ҳиди анкиб ётган хонага кирдим. У ҳолсиз ётар, секин кўзини очиб, қуруқшаган лабарини аранг жуфтлаштирганча пичирлади:

– Эй, к-е-л-ди-из...
– Ҳа келдим, Римпош... – кўришиш ниятида унинг заъфарон юзига энгашдим.
– Тт-ўй...
– Раҳмат, жуда яхши ўтди, ҳаммалари сизни сўрашди (акамнинг тўйини назарда тутган эди). Ҳожиакбар ака сизни кўргани келмоқчилар...

Шунда тўсатдан унсиз нигоҳидан мутлақо унга ёт бўлган, лоқайдликка айланган хотиржам сокинликни ўқдим. Бу юрагимдаги хавотирни янада кучайтирди. Кўксимдан кўчганча томоғимга ачишиб тикилган чорасизлик энгашганимда кўзим косасига қўйилди.

– Йиғ-ла-манг...
Нима дейишни билмайман. Фақат:
– Йў-ўқ, опажон... Сизни кўрганимдан... секинч ёшлари... сизни соғинганман... – деб ҳикиллаганча налрнидир алжирайман...

Римма опамнинг шамдек сўниб бораётганини кўриб фожиа муқаррарлигига, жон танани тарк этиш учун чоғланаётганига ногаҳон тушуниб етдим. Наҳотки энди барисиз ўтмишга айланаётган бўлса? Зора... ноумид шайтон, дея миямдаги нохуш ўйларни қувишга қанчалик уринмай, бироқ ҳалқумимни куйдириб келаётган оташ энди унинг олдиди қололмаслигимни таъкидлар эди. Бу “ўқирик”ка айланмаслиги шарт!

Воизлик унинг табиигига ёт эди. Ортиқча эътибор, ўзгаларнинг сохта мулозаматларидан ҳамиша ўзини аяр, қандайдир оммавий-расмий йиғинлар унинг жойи эмас эди. Сўнгги нафасигача нигоҳини ўз қалбига – ички дунёсини бойитишга қаратган эди. Назаримда, у ўз суқунатлари ила Олам билан сирлашарди. Ундаги чексиз самимиятнинг сирини ҳам шунда бўлса керак. Ҳаёт у учун бардош бўлса, сахнани гўзаллик билан гўзаллик сирлашадиган даргоҳ деб билди.

Римма Аҳмедова ўнқир-чўнқир кечган умри билан бу сарсон Дунёни фақатгина гўзаллик – эзгуликка асраб қолиши мумкинлигига астойдил ишониб яшаганини исботлади. Менинг бахтим – ўзининг мўъжазгина дунёсига хиёнат қилмаган ҳақиқий Санъаткор оламига сайр қилиш насиб этганида. Бироқ унинг бу дунёси менга яна бир азали аччиқ ҳақиқатни – биз талпинаётган Гўзаллиқнинг кўзлари ҳамон ёшга тўла эканини эслатади. Асрлар давомида инсониятнинг барча кўргуликларига гувоҳ бўлиб келаётган, сиз билан мен сархуш бўлганча топинаётган бу соқов Дунё мана шу гўзаллиқнинг, покликнинг кўзларидаги тахир ёшлардан озиқланаркан...

Иқбол ҚЎШШАЕВА,
2007

МУАССИС: TADBIRKORLAR VA ISHBILARMONLAR HARAKATI –
O‘ZBEKISTON LIBERAL-DEMOKRATIK PARTIYASI



Бош муҳаррир
Норқобил ЖАЛИЛОВ

Тахрир ҳайъати:

Ақтам ХАЙТОВ
Бахтиёр ЯКУБОВ
Сирожддин САЙИЙД

Дилшод ШОУМАРОВ
Равшан МАМУТОВ
Нодир ЖУМАЕВ

Гулшана ХУДОЁРОВА
Шўҳрат АСЛОНОВ
Абдулла АСЛОНОВ

Тахририят манзили:
Тошкент шаҳри
Нукус кўчаси 73А-уй.

Электрон почта:
xxi_asr@mail.ru
xxi_asr@mail.ru

Телефонлар:

қабулхона –
71 215-63-80
(тел./факс).
Обуна ва реклама бўлими –
71 255-68-50.

“XXI asr” ижтимоий-сиёсий газетаси
Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги (собиқ Ўзбекистон Республикаси Президентини Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 2011 йил 14 июнда 0009-рақами билан рўйхатдан ўтказилган).

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида chop этилди.

Корхона манзили:
Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.
Газета офсет усулида, А-2 форматда босилди. Ҳажми – 3 босма табоқ, Бюртма рақами: Г – 0145
Адади: 6027
Баҳоси келишилган нархда.
Топширилди – 20:00

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифларга қайтариқмайди.

© “XXI asr” дан олинган маълумотларга манба сифатида газета номи кўрсатилиши шарт.

Муаллифлар фикри тахририят нуктаи назаридан фарқ қилиши мумкин.

Газета тахририят компьютер марказида терилди.

Саҳифаловчи:
Маъруфжон Раҳмонов



НАШР КЎРСАТКИЧИ: 406
1 2 3 4 5 6

Навбатчи муҳаррир:
Абдулла ЧИМИРЗАЕВ